Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 24-iyun, seshanba № 77 (3426)

Ўз ақл-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-ғайратингизга, тоғдек таянчингиз — буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Мамлакатимизда ички ишлар тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлиги, фуқаролар осойишталигини таъминлаш тизими мустаҳкам қарор топгани шу мақсадга хизмат қилаётир.

Битирувчиларга дипломлар топширилди

Соҳани юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси, Ёнғин хавфсизлиги Олий техника мактаби, Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида ана шундай кадрлар тайёрланмоқда.

Айни кунларда мазкур даргоҳларда ўқишни тамомлаётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчини адо этишга йўл олаётир.

Ички ишлар вазирлиги академиясида навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди — кундузги таълим ва олий академик курсни тугатган тингловчиларга дипломлар топширилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-майор А.Аҳмадбоев, академия бошлиғи, генерал-майор Ш.Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

1992 йилда ташкил этилган мазкур академияда ички ишлар органлари учун тергов, тезкор-қидирув, жиноятларнинг олдини олиш, эксперт-криминалистик фаолият йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Ўтган даврда бу даргоҳдан етишиб чиққан кадрлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали фаолият юритмоқда.

— Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Сарвиноз Душаева. — Бу бурч мазкур шарафли касбни танлаган биз, ёшларнинг зиммасига янада улкан масъулият юклайди. Биз буни доимо ҳис этиб, элу юртимизга садоқат билан хизмат қиламиз.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Асқар ЁҚУБОВ олган суратлар

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати

Истиқлол йилларида ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу жараёнда болаларни ёзги соғломлаштириш ишлари муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори билан Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ҳамда мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг ташкил этилиши бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш имконини яратди.

«Қуёшли»да интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи иш бошлади

Мамлакатимизда болаларни соғломлаштириш йўналишидаги ишларни янада такомиллаштириш ҳамда оромгоҳларнинг фаолият йўналишларини шаклан ва мазмунан бойитиш имконини берган Ҳукумат даражасида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси» мазкур йўналишдаги ишлар сифатини янги босқичга кўтариш билан бирга ёш авлод вакилларини соғломлаштириш билан қамраб олиш кўламини ҳам кенгайтирди.

Хусусан, Соғлом бола йилида Федерация Кенгаши томонидан меҳнаткашлар фарзандларининг мазмунли дам олишини ташкил этиш масаласига алоҳида ёндашилди. Корхона, ташкилот ва муассасаларда амал қилаётган жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояталаб оилаларнинг 30 минг нафардан ортиқ фарзандлари бепул дам олдириш билан қамраб олинмоқда. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи негизида Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи ташкил этилгани, айтиш мумкинки, ёзги соғломлаштириш доирасида катта воқеа бўлди. Ушбу оромгоҳда мавсум давомида 520 нафар иқтидорли ўғил-қиз касаба уюшмалари томонидан бепул соғломлаштирилади. Айни кунда оромгоҳ республика миқёсидаги «Билимлар беллашуви» ҳамда фан олимпиадалари ғолибларини ўз қучоғига олган.

— «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида 300 нафар иқтидорли ўқувчи оромгоҳимизда бепул йўлланмалар асосида мароқли ҳордиқ чиқармоқда, — дейди касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасарруфидаги «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Йўлчибой Раҳимжонов. — Бу масканда уларнинг жисмонан чиниқиши, маънавий камол топиши, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, бой китоб захирасига эга кутубхона, Интернет тармоғига уланган компютер хонаси, хореография зали, вокал хонаси, очиқ ва ёпиқ спорт майдончалари, энг замонавий услубларда барпо этилган ложувард сузиш ҳавзаси, қулай ва шинам ётоқхоналар, мазали ва дармондориларга бой таомлар тайёрланаётган ошхона болажонлар хизматида. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ҳар ҳафта бошида оромгоҳимизда турли спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, мавсумнинг учинчи навбатида оромгоҳлар ўртасида спортнинг енгил атлетика, волейбол, футбол, сузиш ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ташкил этамиз. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ўтган онларнинг йиллар давомида болажонлар ёдида сақланиб қолиши учун бор имкониятни ишга солаяпмиз.

Бундан ташқари, «Қуёшли» болалар оромгоҳида айни кунда Меҳрибонлик уйлари ҳамда «SOS» болалар шаҳарчасининг 50 нафар ўғил-қизлари ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бепул дам олдирилиб, соғломлаштирилмоқда.

— Кутубхона, ёш мухбирлар учун радиотармоқ, информатика, инглиз тили, моҳир қўллар каби тўгараклар ишлаб турибди, — дея суҳбатга қўшилди Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Саодат Арслонова. — Шунингдек, марказимизда турли тадбирларга ҳозир кўрилади. Деворий газета тайёрланади.

Шундан сўнг опа бизни «Моҳир қўллар» тўгараги хонасига бошлади. Хона гавжум эди.

(Давоми 2-саҳифада).

Касаба уюшма тадбири

21 июн. Ўзбек Давлат драма театри ҳар қачонгидан-да гавжум. Бу ерда машҳур санъаткорлардан тортиб, умид билан саҳнага қадам қўяётган истеъдодларни ҳам учратасиз.

Эҳтиром кўрсатилди

Муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан юртимиз санъати ва маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устоз санъаткорларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг саломатлигини тиклашдек хайрли ишга қўл урилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри директори Маҳмуд Исмоилов очиб, ушбу маданият даргоҳининг шонли тарихи, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтиришдаги улкан хизматларини алоҳида эътироф этиб, муборак тўйга ҳам ижодий, ҳам ташкилий жиҳатдан катта тараддуд кўрилаётгани ҳақида гапирди.

Тадбирда Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг мамлакатимиз санъати ва маданияти ривожига қўшган катта ҳиссасини алоҳида эътироф этди. Театрнинг 12 нафар ходими ва фахрийларига касаба уюшмалари тизимидаги «Оқтош», «Зомин», «Бўстон», «Умид гулшани», «Чимён» ва «Чинобод» санаторийларида саломатликларини мустаҳкамлашлари учун бепул йўлланмалар топширилди.

Тадбирда театрнинг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъати ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси, халқимизнинг бой маданий мерос ва анъаналарини асраб-авайлаш, ёш истеъдодларни тарбиялашдаги ўрнига юксак баҳо берилди.

Эл севган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимовадан анжуман ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашишни сўрадик.

— Ўзбек санъати ривожи учун баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаяпмиз, — деди актриса. — Соғлиғимиз ҳақида ўйлашга эса вақт ҳам топмаган эдик. Бизнинг саломатлигимиз ҳақида қайғураётган ташкилотчилардан беҳад миннатдормиз.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

БАНДЛИККА КЎМАК

Навоий шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 170 корхона ва ташкилот 400 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Жорий йилда Навоий шаҳридаги еттита касб-ҳунар коллежини 4 минг 100 дан зиёд ёшлар битиради. Айни пайтга қадар уларнинг қарийб барчаси билан турли саноат корхоналари ва бошқа муассасалар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилган.

— Меҳнат ярмаркасида Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли бирлашган энерго хизматига ишга йўлланма олдим, — дейди Навоий кончилик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Жавоҳир Каримов. — Ўзим ёқтирган касбда ишлаш имконига эга бўлганимдан хурсандман.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан шу мавзуда ижтимоий сўров ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ: ОДОБ-АХЛОҚ, ҲАЁТИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК

Ёшларнинг бу борадаги фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилган мазкур тадқиқот мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олди. Сўров натижалари таълим олиш ёшларнинг ҳаётий қадриятлари тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллашини кўрсатди.

Ижтимоий сўров натижалари мустақиллик йилларида ёшларнинг билим олиш, айниқса, олий маълумотга эга бўлишга интилиши тобора кучайиб бораётганини намоён қилди. Чунончи, 2013 йилда ўтказилган сўровда ҳар икки ёшдан бири олий маълумотли бўлиш истагини билдирган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 81,6 фоизни ташкил этмоқда. Улар кўпроқ иқтисодиёт, молия, ҳуқуқ, педагогика мутахассисликлари, тиббиёт йўналишида олий маълумотли бўлишни маъқул кўришмоқда. Муҳандислик-техник мутахассисликлари, ҳарбий иш, ахборот технологиялари соҳасини эгаллашга қизиқиш ҳам тобора ортиб бормоқда. Ёшлар чет тилларни ўзлаштиришга катта эътибор бермоқда. Иштирокчиларнинг мамлакатимизда чет тилларни ўрганишни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган самарали чора-тадбирларни алоҳида таъкидлагани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мазкур сўров мустақиллик йилларида ёшларимизнинг дунёқараши кенгайиб, ўзини англаш, ватанпарварлик, Ватанга садоқат ва юртдан фахр-ифтихор туйғуси кучайганини яна бир бор ёрқин исботлади.

Ёшларда Ватанимиз тарихи ва маънавий-маданий меросимизга қизиқиш ортиб бормоқда ва бу уларда мамлакатимиз келажагига дахлдорлик туйғусининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Тадқиқот ёшларимизда миллий ўзликни англаш халқимизнинг маънавий хусусиятлари, урф-одат ва анъаналари, миллий мустақиллик, бой тарихимиз, буюк аждодларимиз мероси, она тилимиз ва маданиятимиз билан уйғунлашиб бораётганини кўрсатди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Давлатимиз раҳбарининг нутқида буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидланган. Чунки халқимизнинг қадимий анъаналари ва маънавий қадриятлари ўсиб келаётган ёш авлодда миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий сўров шуни кўрсатдики, истиқлол йилларида ёшлар онги ва хулқатворида боқимандалик кайфияти ўрнини ижтимоий фаоллик, ташаббускорлик ва мустақил фикр юритиш эгалламоқда. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ёшлар ўртасида ижтимоий фаоллик кучайиб бораётганини намоён этди. Аксарият ёшларнинг (88,3 фоиз) келажакда ўз режаси борлиги ҳам шундан далолат беради. Ёшлар ўз режаларини, биринчи навбатда, таълим олиш ва яхши мутахассис бўлиб етишиш, мустаҳкам оила қуриш, жамиятга фойдаси тегадиган инсон бўлишга интилиш билан боғламоқда.

Ўзбекистон ёшларининг ҳаётий қадриятлари, одоб-ахлоқи ва ижтимоий фаоллигини ўрганиш борасида ўтказилган кўп йиллик тадқиқотлар шундан далолат берадики, мустақиллик йилларида навқирон авлод вакилларида қадриятлар, қизиқиш ва ижтимоий нормалар тизимида фаол ҳаётий позиция, мустақиллик, интилувчанлик, ижтимоий сафарбарлик каби янги устувор йўналишлар шаклланмоқда. Бу уларнинг миллий ўзлигини англаши ва барқарор ижтимоий кайфиятида ўз ифодасини топмоқда. Зеро, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ёрқин самараларидир.

«Ижтимоий фикр» маркази
материаллари асосида
ЎзА мухбири
Меҳрибон МАМЕТОВА тайёрлади.

Танлов

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг навбатдаги босқичида қатнашчилар касбий маҳорати, эришган ютуқлари, ташаббускорлик сингари сифатларини намойиш қилдилар.

Танлов ҳайъати томонидан вилоят статистика бошқармаси ходими Махфират Ўзбекова, Жиззах уй-жойдан фойдаланиш ҳарбий қисм чилангари Анвар Номозов, вилоят ногиронлар минтақавий реабилитация маркази врач-ортопеди Ўрол Мустафоевлар ғолиб деб топилиб, вилоят босқичига йўлланма олишди.

— Бу каби танловларнинг мунтазам ўтказилиши, айниқса, ёш ходимларнинг ўз касбига бўлган қизиқиши ҳамда янгиликларга интилишини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши раиси Фурқат Қаюмов. — Вакилларимиз кейинги босқичларда ҳам муваффақиятли иштирок этади, деган умиддамиз.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 24-iyun № 77 (3426)

«Қуёшли»да интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи иш бошлади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Тўгарагимиз кўп тармоқли, — дейди тўгарак раҳбари Елена Латишова. — Болажонлар билан турли безакли ўйинчоқлар ясаймиз, расм чизамиз, кийимлар тўқиймиз. Улар жуда қизиқишади. Кўриб турганингиздай, болаларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган ажойиб ишлари шунчалик кўпки, баъзан хонада жой топилмай қолади.

Машғулотларга киришиб кетган болаларни суҳбатга тортамиз.

— «Билимлар беллашуви»да рус тили ва адабиёти фанидан ғолибликни қўлга киритиб, ушбу гўзал масканда дам олиш имкониятига эга бўлдим, — дея сўз бошлади урганчлик Роза Рамазонова. — Оромгоҳнинг шароитлари жуда яхши. Тўгараклар, спорт мусобақаларида қатнашиш, зилол сувли бассейнда чўмилиш энг севимли машғулотимиз. Юртимизнинг турли жойларидан келган кўплаб иқтидорли тенгдошларим билан дўстлашдим. Умуман, ҳар бир кун ўзига хос мазмунга эга бўлган ҳолда ўтмоқда.

— Андижон вилояти Асака туманидаги 57-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчисиман. Ўзбек тили ва адабиёт фанидан республика босқичи ғолиби бўлдим, — дейди Гулсумой Абдулаҳадова. — Бундай ютуққа эришишимда ота-онам ва устозим Замира Назарованинг ёрдами катта, албатта. Оромгоҳдаги мароқли ҳордиқ, яратилган шарт-шароитлар бизнинг янги ўқув йилини янги куч-қувват билан бошлашимизга катта мададдир.

— Мактабимиздаги чет тиллар тўгарагига уч йилдан буён қатнашаман. Ҳозирда француз тилида эркин сўзлаша оламан. Ушбу тил йўналишида «Билимлар беллашуви»нинг республика босқичида учинчи ўринни қўлга киритдим, — фахрланиб сўзлай кетди Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 48-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Санталат Аҳмедова. — Оромгоҳ менга жуда ёқди. Шароитлари зўр. Тенгқурларимиз билан чет тилларда мулоқот қилиб, билимимизни янада бойитяпмиз. Маънавият ва маърифат марказида ҳар хил маданий тадбирлар ўтказилаётир. Тўгаракларга қатнашяпмиз. Айниқса, оромгоҳда ўтказилаётган «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияларида фаол қатнашиб, мамлакатимиз ҳаётига оид жуда кўплаб янгиликлардан баҳраманд бўлмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, вақтимиз мазмунли ўтаётир.

Оромгоҳда турли фанлар бўйича маҳорат дарслари, ижодий-ўқув машғулотлари, викториналар, танловлар, мусобақалар, назм ва наво кечалари ташкил этилмоқда. Шунингдек, таниқли фан арбоблари, олимлар, адабиёт намояндалари иштирокида ўтказилаётган учрашув ва суҳбатлар, маҳорат дарслари йўналишидаги мулоқотлар ўғилқизларда катта таассурот қолдиряпти.

Ташкилотчилар оромгоҳда болажонларнинг ҳар бир дақиқаси мазмунли ўтиши учун бор имкониятларни ишга солишган. Айниқса, бу масканда фаолияти йўлга қўйилган тўгараклар, хусусан, инглиз тили тўгараги барча зарур воситалар билан таъминланиб, ўғил-қизлар табиат қучоғидаги ноанъанавий машғулотлар билан қамраб олинмоқда. Юқори педагогик маҳорати орқали ёш авлод камолотига муносиб ҳисса қўшиб келаётган энг яхши устозлар ҳам мавсумга жалб этилган.

Жорий йилнинг 21 июн куни ушбу «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳи 1-навбатининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқ таълими вазирлиги раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари, таниқли олимлар, устоз ва мураббийлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор, ўқувчиларнинг етарли билим олиш билан бирга мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун яратилаётган кенг имкониятлар алоҳида таъкидланди. Айниқса, ёзги соғломлаштириш мавсумини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга бўлган эътиборнинг йил сайин кучайиб бораётгани эътироф этилди.

Республика «Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи» очилишига бағишланган тантанали тадбирда оромгоҳда дам олаётган болажонлар иштирокида «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати» деб номланган маданий-маърифий дастур намойиш этилди. Иқтидорли болалар ўқиш жараёнида эришаётган ютуқлари учун Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдирланди.

Оромгоҳнинг очилиш маросимига келган ота-оналар ва устозларнинг хурсандлиги ҳам юз-кўзидан билиниб турибди.

— Икки нафар ўқувчимни олиб келганман, — дейди Жиззах шаҳридаги «Умид» ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати ўқитувчиси Дилафрўз Бобожонова. — Ўзбек тили фанидан бу йил еттинчи синфни тамомлаган Хонзодабегим Раҳматова биринчи, саккизинчи синфни тугатган Юлдуз Хайруллаева учинчи ўринни қўлга киритди. Уларнинг бундай ютуқларни қўлга киритишида нафақат менинг, балки бизни қўллаб-қувватлаган директоримиз Санобар Суяровaнинг ҳам ҳиссаси катта.

— Қизим Сўғдиёна инглиз тили фанидан учинчи ўринни қўлга киритди, — дейди Хоразм вилоятининг Боғот туманидан келган Фароғат Маҳмудова. — Унинг бу ютуғи натижасида касаба уюшмалари томонидан «Қуёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳига бепул йўлланма билан рағбатлантирилгани қувончлидир. Бу ерда болаларимиз учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бундан биз, ота-оналар беҳад мамнунмиз.

Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳининг тантанали очилиш тадбири доирасида Чирчиқ шаҳридаги Болалар мусиқа ва санъат мактабининг Наргиза Ҳамроева раҳбарлигидаги «Наргиз» рақс жамоаси жажжи қизалоқлари ижро этган «Жонон», «Андижон қизлари» каби миллий рақслар болажонларнинг қувончига янада қувонч қўшди.

Тадбирга йиғилган болажонлар кўзида порлаган қувонч, улардаги теран фикр ва шижоат мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган улкан саъй-ҳаракатлар натижаси эканлигини яна бир бора намоён этди.

Бизнинг Ватан — Ўзбекистон,
Гўзал диёр, обод макон.
Шу масканда яшаймиз биз,
Озод юртнинг фарзандимиз.

Мустақиллик йилларида
Қучоғингда топдик камол.
Бахтимизга, юртим, бўл тинч,
Фарзандларинг бўлсин омон, —

дея баралла куйлаётган жисмонан соғлом, маънавий етук, юксак интеллектуал билим ва салоҳиятга эга ўғил-қизлар буюк келажагимизнинг эртанги эгаларидир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари,
Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ўқув

Кимё саноати ходимлари касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ва профилактика ишлари алоҳида ўрин тутади.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ПРОФИЛАКТИКА

«Фарғонаазот» ОАЖда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ташкил этилган ҳудудий ўқув-семинарда водийдаги тизимга қарашли 100 нафардан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчилари, фаоллар ва меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар иштирок этишди.

Семинарни Республика кенгаши раис ўринбосари Шерали Рамазонов очиб, тармоқнинг асосий қисми ишлаб чиқариш билан боғлиқ ўта хавфли объектлар бўлгани боис уларда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси қоида ва нормаларининг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, ходимларга нормал меҳнат шароитини яратиш ва бу борада ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги ҳақида тўхталди.

Семинарда сўзга чиққан мутахассислар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ўрни ҳамда корхонада қабул қилинган жамоа шартномасининг меҳнат муҳофазаси бўлимидаги ишлаб чиқариш жараёнининг хавфсизлигини таъминлашга доир чоралар хусусида сўз юритишди. Шу билан бирга, семинарда меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли жамоа вакиллари иш режаси ва текшириш жадвалини тузиш борасида келишиб олинди.

Машғулотларда меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, жойларда хавфсиз меҳнат шароити яратилиши, иш ўринлари аттестациядан ўтказилиши, меҳнат муҳофазаси ишини тубдан яхшилаш тўғрисида ўзаро фикр алмашди. Қизғин мулоқот тарзида ўтган семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

З.ЎРИНБОЕВ,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош мутахассиси

Етакчи ҳақида ҳикоя



«Қаршишаҳарсувоқова» корхонаси жамоасининг навбатдаги йиғилишида касабақўмга янги етакчи сайлаш ҳақида фикр айтилди. Хўш, энди ким бу масъулиятли ишни давом эттиради? Жамоа аъзолари турли таклиф ва мулоҳазалардан сўнг Келдиёр Норбоев номзодини қўллаб-қувватлашди.

Юракдаги ўт

Келдиёр ака эл-юрт хизматига камарбаста жамоанинг машаққатли меҳнатини яхши биларди. Шунинг учун ҳам фаолиятини хайрли ташаббус билан бошлади. Яъни, корхона ходимларининг тўй ва тантаналарида санъаткорлар иштирокини таъминлашни касаба уюшма қўмитаси ўз бўйнига олди.

Имтиёзларни санайверсак, улар оз эмас. Корхонада уч йилдан ортиқ ишлаган хизматчилар жамоа шартномасига кўра, ичимлик ва оқова сув тўловларидан озод этилган. Шунингдек, ишни яхши йўлга қўйиш учун ҳар бир ходимга уяли алоқа воситаси ажратилган бўлиб, сўзлашув тўловларида ҳам имтиёзлар жорий қилинган.

Янги раис мамлакатимизда нишонланадиган байрамларни юқори савияда ўтказишга ҳам жиддий эътибор қаратиб келаётир. Хусусан, Янги йил арафасида иш берувчи томонидан ходимларга товуқ гўшти ва тухум тарқатилган бўлса, Наврўз байрами «Ҳафизахон» тантаналар уйида кенг нишонланди. Хотира ва қадрлаш кунида 50 нафардан зиёд фахрийга эҳтиром кўрсатилиб, уларга қимматбаҳо совғалар топширилди. 50 нафар ходимларнинг Самарқандга саёҳати уюштирилди.

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш уступвор аҳамият касб этган. Жумладан, ўтган йили 65 нафар ўғилқиз Яккабоғ туманида жойлашган Охунбобоев номидаги болалар оромгоҳида дам олган бўлса, Соғлом бола йилида 70 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Ходимларга республикамиздаги санаторийлар ҳамда Қарши шаҳридаги «Геолог» сиҳатгоҳига йўлланмалар берилаётир.

— Носозликларни бартараф қилиш бригадаси ва сув узатиш станцияларида ишлайдиган ходимларга махсус кийим ажратилган бўлиб, зарарли шароитда ишлагани учун қўшимча ҳақ тўланади, — деди касабақўм етакчиси Келдиёр ака. — Бундан ташқари, ёшларга касб сирларини пухта ўзлаштиришда кўмаклашиш йўлга қўйилган. Яқинда носозликларни бартараф қилиш бригадаси чилангари Зафар Сафаров «Йилнинг энг фаол коммунал хизматчиси» кўрик-танловида намунали иштирок этди.

— Келдиёр самимий, ишбилармон, тадбиркор инсон, — дейди собиқ касабақўм раиси Жаҳонгир Холиқов. — Жамоа ҳурмати ва меҳрини қозонгани ҳам шундан. Долзарб масалалар ечимида муҳим таклифлари билан фаол қатнашади. Корхона бошлиғи Зафар Равшанов билан ижтимоий шерикликда спорт-соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, саёҳат ва бошқа йўналишларда қизғин иш олиб боряпти. Қолаверса, Норбоев санъатга ошуфта қалб эгаси. Вилоят ашула ва рақс дастаси хонандаси.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

САЁҲАТ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши қатор умумтаълим мактаблари ҳамда Андижон машинасозлик институти қошидаги Бўстон академик лицейи жамоаларининг бир кунлик саёҳатини уюштирди. 200 дан ортиқ касаба уюшма аъзоси Фарғона водийсидаги мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар ҳамда тарихий жойлардаги зиёратгоҳларда бўлишди.

З.СОДИҚОВА,
Андижон шаҳар 10-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Семинар

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бир гуруҳ масъул ходимлари Навоий вилоятида тиббиёт соҳаси вакилларининг ижтимоий ҳимояси йўлида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

АМАЛИЙ РУҲДА

Ўрганиш давомида тизимни такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам берилди. Хулосалар эса вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкил этилган семинарда атрофлича муҳокама қилинди. Унда вилоятнинг барча даволаш-профилактика муассасалари бош врачлари, касаба уюшма қўмитаси раислари, ходимлар билан ишлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимлари бошлиқлари, юристлар қатнашди.

«Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қонунчилигига риоя этилиши», «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш» мавзуларида маърузалар тингланди.

Шунингдек, жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши, нодавлат ташкилотларни касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилиш, касаба уюшмаларининг афзаллигини ифода этувчи бошқа бир қатор масалалар таҳлил қилинди. Мулоқот асносида иштирокчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Боймурод НИЁЗОВ,
Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Қишлоқда хабар тез тарқалади. Чекка қишлоқдаги бир қизчанинг Германияга бориб бадиий гимнастикачилар слётига қатнашиб келиши чиндан-да яхшигина хушхабар эди. «Мустақиллик шарофатидан бу» деб қўйишарди ҳамқишлоқлар бир-бирига.

Қўшкўпир туманидаги Хонобод қишлоғида спортнинг ушбу тури ривожланишига 2003 йил сентябр ойида 17-мактабда бўлиб ўтган касаба уюшма қўмитасининг йиғилишида кўтарилган масала ва қабул қилинган қарор туртки бўлганди.

Ибрат

Хоразм вилояти Қўшкўпир туманида соғлом турмуш тарзини

— Мамлакатимизда ташаббускор ёшлар қўллаб-қувватланмоқда, — деганди ўшанда касаба уюшмаси фаоли Б.Абдуллаев. — Ўйлаб кўрсак, ўқувчи қизлар орасида бадиий гимнастика билан шуғулланишга ихлосмандлар жуда кўп. Қолаверса, бизда ушбу соҳа бўйича мураббий бор, бироқ алоҳида хона ва жиҳозлар йўқ. Бу эса ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо эмас. Салгина эътибор керак, холос.

Куйиниб айтилган гапларни барча диққат билан эшитди. Қўмита раиси эса қарор ижросини ўз зиммасига олди. Кўп ўтмай мактабда тўгарак ташкил қилинди ва зарур шарт-шароитлар яратилди.

Йиллар ўтди. Худди шундай тўгараклар бошқа мактабларда ҳам юзага келди. Тўгарак раҳбари Клара Бектурдиева туман марказида жойлашган 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳам ўқувчи қизларга сабоқ бера бошлади. Шогирдлари сафи кенгайди. Ҳали-ҳануз хонободликлар ушбу муваффақиятлар негизида касаба уюшмасининг кенг қамровли фаолияти мужассам эканлигини эътироф этишади.

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида тадбирлар режасини тузиб чиққанмиз, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Саломат Хўжаниёзова. — Мақсадимиз фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш, эл саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ташаббуси билан Қатағон қишлоғида уюштирилган спорт мусобақаси ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Унда фермер хўжаликлари ишчилари, мактаб ўқитувчилари, маҳалла фуқаролар йиғинларида ишловчилар ҳам алоҳида гуруҳларга бўлиниб, волейбол, футбол, баскетбол ўйинлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Бундай мусобақа биринчи марта 2009 йилда ўтказилганди, кўпчиликнинг эътиборини тортгани ва қизиқувчилар сони ортгани боис қишлоқда ҳар йили май ойида ўтказиш анъанага айланди, — изоҳ беради Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Отаназар Қурбонбоев.

— Мусобақалар яхши натижа бермоқда, — дейди фермер Ҳикмат Худойберганов. — Спортга ҳавасмандлар қанча кўпайса, касаллик ҳам шу қадар чекинади. Буни беҳуда айтаётганим йўқ. Яқинда қишлоқ врачлик пункти мудири қишлоғимизда одамлар соғлиги мустаҳкамланиб бормоқда, деган фикрларни билдирди. Буни барчамиз ҳис қилмоқдамиз.

— Соғлом бола йилида мусобақалар уюштириш жараёнига ўзгариш киритдик, — дейди 17-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси У.Ортиқов. — Фақат битта қишлоқдаги жамоалар ўзаро беллашиб қолмасдан, қишлоқлараро мусобақалар уюштиришни лозим деб топдик. Бу эса беллашувларнинг таъсирчанлигини янада оширди. Касаба уюшма ташкилотлари ҳамкорликда режа ишлаб чиқдилар ва Хонобод, Хадра қишлоқлари ёшлари ўртасида волейбол, футбол мусобақаси ўтказилди.

— Қишлоқ аҳлининг спортга бўлган ҳозирги муносабати ўтган йиллардагидан тубдан фарқ қилади, — дейди хонободлик Қувондиқ Жуманиёзов. — Мунтазам равишда бадантарбия, спорт билан шуғулланиш одамлар соғлигини мустаҳкамлади, ёшлар орасида зарарли одатлар тарқалишининг олди олинганини алоҳида таъкидлаш зарур. Оилаларда соғлом турмуш тарзи қарор топди, жиноятчилик кескин камайди.

— Корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида ишлаётган ходимлар соғлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга касаба уюшмаси фаоллари катта аҳамият қаратмоқдалар, — дейди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири У.Исмоилов. — Улар фаолиятида, ўтказилаётган тадбирларда бу ҳолат яққол кўзга ташланмоқда.

— Соғлом фарзанд юрт таянчидир, — дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси С.Хўжаниёзова. — Соғломлик оиладан бошланади, ота-она жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланган тақдирдагина фарзанд соғлом туғилади. Биз фаолиятимизда шу масалага ҳам алоҳида аҳамият берамиз.

«Дунёда болам деб яшайди ўзбек», деб ёзганида севимли шоиримиз минг бора ҳақ эди. Чунки, болажон халқимиз ҳамиша фарзанди, унинг келажаги ҳақидаги эзгу хаёллар билан яшайди ва барча саъй-ҳаракатларини шунга йўналтиради. Касаба уюшмалари фаоллари корхона, ташкилот, фермер хўжаликларида уюштирилган давра суҳбатларида бу масалага кўп эътибор қаратадилар. Маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақасида қатнашиш, бўш вақтларда мунтазам равишда бадантарбия билан шуғулланиш кўпчиликнинг ҳаёт тарзига айланди. Уй-рўзғор юмушлари, дала ишлари, сигир-бузоққа қараш билан машғул инсон саломатлигида спорт билан шуғулланиш алоҳида ўрин эгаллашини кўпчилик англаб етди. Нафақат англаб етдилар, балки таниш-билишларига ҳам тарғиб қила бошладилар. Қайноналар келинларига бадантарбия билан шуғулланишнинг аҳамиятини тушун-

Атроф-муҳит ва мувозанат

Ҳаётда мавжуд баъзи соҳалар, амалга оширилган ишлар ҳақидаги сохта маълумотлар, ёлғон-яшиқларнинг бошқа йўналишларга зарари тегмас, бугун бўлмаса эртага бажарилиб, ўрни тўлиб кетар. Аммо она-табиатга нисбатан буни қўллаб бўлмайди. Чунки бу соҳада йўқотиб қўйилган неъматларни қайта тиклашнинг имкони йўқ.

Табиат фарзандимиз

Муҳаммад Юсуфнинг «Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?!» дея жаранглаган ҳайқириғини ёдга олайлик. Қалбларни зирқиратиб юборувчи оташин бу нола шоир қалбидан бекорга отилиб чиққан эмас. Аслида, гўзал водийнинг бағрида туғилиб ўсган зийрак болакай улғайган сайин кўз ўнгидаги табиат дурдоналарининг камайиб, ҳатто йўқолиб бораётганидан ташвишга тушиб, беихтиёр фарёд урган десак, муболаға бўлмас... Жудаям кеч бўлишини кутиб ўтирмай, ҳар биримиз бу ҳайқириқ маъносини теранроқ англаб олмоғимиз лозим...

Мана бир мисол, жайронлар камайиб бораётган бўлса ҳам, ҳали-ҳануз деярли барча тоғларимизда учрайди. Аммо алқор деб номланган жонивор қирғинга йўлиқиб, фақат Нурота тоғларидагина сақланиб қолган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг она-табиатни асраб-авайлаш, атроф-муҳит мувозанатини сақлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Бу соҳага оид қатор ҳужжатлар, қарорлар фикримизни тасдиқлаши мумкин. Экологик назоратни кучайтириш тўғрисидаги яқинда қабул қилинган қонун шулар жумласидандир. Уларни оғишмай изчил амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари, Ўзбекистон экологик ҳаракати, миллий боғлар, қўриқхоналар ва бошқалар... Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда айни пайтда саккизта давлат қўриқхонаси, иккита миллий боғ, битта экомарказ, битта биосфера резервати, ўнта давлат буюртмахонаси, бешта табиат ёдгорлиги 23,5 минг квадрат километр ҳудудда фаолият олиб бормоқда. Бу жойларда миллий ҳамда халқаро «Қизил китоб»ларга киритилган, йўқолиш эҳтимоли бор ҳайвонот ва наботот олами давлат муҳофазасида. Тошкент вилояти бу борада етакчи ўринлардан бирида туради...

Ватанимиз пойтахтини ҳар томондан қуршаб турган ушбу вилоят ҳудуди бетакрор гўзал табиати билан жумлаи жаҳонни лол қолдираётгани бор ҳақиқат. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 сентябрдаги «2013-2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори айни муддао бўлди.

1990 йилдан буён фаолият олиб бораётган Угом-Чотқол Давлат Миллий Табиат боғи Марказий Осиёдаги энг йирик миллий боғлар сирасига киради. Ўз бағрига 574,6 минг гектар майдонни қамраб олган гўзал бу маскан ҳудудида ўсаётган 1800 га яқин ўсимликларнинг 74 хили Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. 230 га яқин турдаги ҳайвон ва қушларнинг эса 38 тури йўқолиш эҳтимоли бор жониворлар рўйхатидан ўрин олган. Энг ачинарлиси, эллик-олтмиш йиллар муқаддам Чотқол тоғларида ўйноқлаб юрган алқорлар энди йўқ. Агар беэътибор ва лоқайд бўлсак, айни дамларда миллий боғ ҳудудида мавжуд бўлган кам сонли қор қоплони, оқ тирноқли қўнғир айиқ, Туркистон силовсини, мензбира суғури, лочинлар, Чотқол шайтонбалиғи, Туркистон лаккачаси, кулжа арвоҳ капалаги сингари она-табиатнинг ноёб дурдоналари билан ҳам мангу хайрлашиш ҳеч гап эмас.

Кези келганда, Миллий боғ фидойилари зиммаларидаги ғоят муҳим ва масъулиятли вазифани виждонан бажаришга интилаётганликларини таъкидлашни истардим. Аҳил жамоа томонидан ҳар йили бир миллионга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрланади. 2011 йилда 400, 2012 йилда 418, 2013 йилда 428 гектар майдонда яшил бойликлар барпо этилди. 2014 йилги натижа эса янаям яхши бўлиши кўзда тутилмоқда. Миллий боғ ҳаёти ва фаолиятининг серқирралиги, катта ҳудудда жойлашганлиги жамоа ва унинг раҳбарларидан улкан куч-ғайрат, мислсиз матонат, қаттиқ интизомни талаб этади. Бунга ҳамма ҳам дош бера олмайди. Абдукарим Абдужамилов кўп йиллар давомида бу ишларни уддалади. Ёши ўтинқираб қолгач, ишончли қўлларга топшириб, туғилиб ўсган жойи — Бурчимулла ўрмон хўжалиги раҳбарлигига қайтди. Эргаш Саримсоқов жамоани янаям баландроқ парвоз сари бошлади. Кўп йиллик узлуксиз фаолияти давомида у Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Германия, Непал каби давлатларда ўтказилган халқаро конференцияларда истиқболли режалари сингдирилган сермазмун маърузалари билан иштирок этиб, қатор сертификатларга эга бўлди.

(Давоми 4-саҳифада).

Орамиздаги одамлар

Ризо Камолович беморлар қабулидан хонаси томон қайтаётганда катта ҳамшира рўпарасидан чиқди.
— Дўхтир, сизга келишибди...
Шифокор хонага кираркан, шогирдларини кўриб, чеҳраси ёришди. Гулнора Нурматова, Луиза Аҳмедова, Маннон Валиев, Жамшид Жумаев, Илҳом Жамолов... У киргани ҳамон Эркинжон Нормуродов даст туриб, стол устидаги гулдастани қўлига олди:

Қўли эмли, сўзлари малҳам

— Устоз, табриклаймиз. Сафимиздан яна уч киши олий тоифали шифокор даражасига сазовор бўлди. Бунда сизнинг хизматингиз катта.

— Ота меҳридан — устоз жабри афзал, деган нақл бор, — дея эътирофни маъқуллади Гулнорахон Нурматова. — Агар сизнинг талабчанлигингиз бўлмаганда...

Жияновнинг кўзларида қувонч порлади. Ўзини учмоққа чоғланаётгандай, енгил ҳис этди.

Нуротанинг Ғозғон қишлоғида кечган болалик йиллари хаёлидан ўтди. «Олтин медал» билан ўрта мактабни тугатгач, биргина аъло баҳо билан Ўрта Осиё Педиатрия институтига (ҳозирги ТошПТИ) қабул қилинди. Ҳам ўқиб, ҳам ишлади. Интернатурани ўташ учун Учқудуқ туманига йўлланганига ҳам қарийб 30 йил бўлибди. 2-3 ой чўлнинг аёзига кўниколмай юрди. Кейин, кичик эпидемия бошланди-ю, у ишлаётган юқумли касалликлар шифохонаси ходимларининг бош қашишга ҳам вақтлари қолмади.

90-йилларда кечган бир воқеа ҳеч ёдидан чиқмайди. Туманнинг чекка Қулқудуқ овулида яшовчи беш болали аёлнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолди. Муолажалар ёрдам беравермагач, хасталикни қайта таҳлил қилишга киришилди. Беморнинг касаллик тарихини обдон кузата туриб, ёш мутахассиснинг тахминлари анча ойдинлашди. Бемор варақасига «Геморогик лихорадка» ташхисини якуний тарзда белгилади. Гарчанд, соҳавий раҳбари Юсуф Сойибназаров билан хулосалари бир хил эса-да, бундай ташхис тўхтами анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди.

Афсуски, ҳолатни хаспўшлашни истамаган, ўз хулосасини қатъият билан ҳимоя қилган врачнинг бошида қора булутлар айланди. «Агар ташхис тасдиқланмаса, врач Жиянов олган дипломига қуйдим, деяверсин!» Табиийки, шифокор учун ўз билими ва устозлар далдасидан бўлак суянч қолмаган эди. Пойтахтлик мутахассислар ҳолатни таҳлил қилишни бошлашди. Хайриятки, шу орада Республика Вирусология институтида қайта текширилган қулқудуқлик беморнинг қон ташхиси тўғри қўйилганлиги тасдиқланди.

— Касалликни даволашда бемор руҳияти муҳим ўрин тутади. Руҳиятни даволамай туриб хасталикни тузатиш анча душвор, — дейди Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлим бошлиғи Нурмурод ака Алҳамов. — Шунинг учун қўли эмли, сўзлари малҳам саналган тиббиёт ходимлари ишни аввало бемор билан дўстлашиб олишдан бошлашади. Ризо Жиянов қисм шифохонаси болалар бўлимига йигирма йилдан буён етакчилик қилади. Лекин ундаги самимият, камтарлик ва халқпарварлик ҳеч ўзгармаган. Олий тоифали шифокор муттасил изланишда. Билганларини эса касбдошлари билан баҳам кўришдан чарчамайди. Яна яхши хусусиятлардан бири шундаки, касаллик варақасини тўлдираётганда шошма-шошарликка берилмайди. Ёзиб қолдирилган касаллик тарихи бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам муҳим юридик ҳужжат эканини қалбан ҳис этади.

Кўпнинг эҳтирому ишончига сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўнлаб шогирдлар эъзози ва беморлар ишончига мушарраф топилган шифокорни эса ҳеч бир орзуси амалга ошмай қолмайди. Касбдошлари билан бир қаторда ўғиллари Умиджон ва Аббосжон унга қўшқанот. Турмуш ўртоғи, олий тоифали ҳамшира Муҳаррам опа эса унга яқин дилдош. Бундан ортиқ бахт борми?!...

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Сўраган эдингиз

Савол: Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги битимлар оғзаки тарзда тузилиши ҳам мумкинми? Низо пайдо бўлиб қолса, бу оғзаки шартнома инобатга олинадими?
О.ҲАМИДОВА,
Тошкент шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105–106-моддаларига мувофиқ, битимлар оғзаки ёки ёзма, яъни оддий ёки нотариал тасдиқланган шаклда тузилади. Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан, тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки бўлиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, тузилган заҳотиёқ бажариладиган шартнома қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, фуқаролар ўртасида агар қарз миқдори энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан кам бўлса, қарз шартномаси оддий оғзаки тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин. Қарзни ундириш ҳақидаги иш судда кўрилаётганда, албатта, оғзаки шартнома инобатга олиниши белгиланган.

Орифхўжа АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Сергели туманидаги 7-ДНИ нотариуси

Янгиқўрғон туманида ҳам тадбиркорлик кенг қулоч ёзмоқда. Жумладан, «Янтекс» МЧЖ фаолияти эътиборга молик. Тадбиркор Раҳимжон Холмирзаев томонидан ташкил этилган ушбу корхонада болалар ва катталар учун шойи-трикотаж ички кийимлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Қувонарлиси, ишчиларнинг 60 фоизи ёшлардан иборат.

Корхона маҳсулотлари пешма-пеш мамлакатимиз бозорларига чиқарилмоқда. Келажакда қишлоқ жойларда корхонанинг шохобчаларини очиш, ишлаб чиқариш ҳажми турини кўпайтириш режалаштирилган.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган суратлар

ХОСИЯТИ

шакллантириш ва спортни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг ўрни бўлакча

тириб, невараси соғлом бўлиши учун ҳам зарур эканлигини таъкидлаётгани айниқса, кишини қувонтиради. Жажжигина қизчаларни бадиий гимнастика билан шуғуллантиришга бўлган эътибор ва қизиқиш янада кучайди. Аввалари спорт мусобақаси ўтказилади, деб эълон қилинганида қишлоқ аҳли зўрға йиғилган ва қатнашувчилар минг истиҳола билан уялиб-тортиниб келган бўлсалар, энди аҳвол бутунлай ўзгарди.

Шу йил баҳор фаслининг бошида уюштирилган, ҳар ойда такрор ва такрор ўтказилаётган, таълим соҳасида ишлаётган аёллар ўртасидаги волейбол, стол тенниси ва баскетбол бўйича мусобақаларда иштирокчилар сони янада кўпайгани, яхши натижалар кўзга ташланганини айтиб ўтиш жоиз.

— Даставвал шундай беллашувлар уюштирилганида, тўғриси, иштирокчилар жуда кам эди, — деб эслайди 46-мактаб ўқитувчиси Зиёда Сафоева. — Эндиликда эса аҳвол бутунлай бошқача, бугунни кечаги кунга таққослаб бўлмайди. Қасаба уюшмалари саъй-ҳаракати билан соғломлаштириш ишлари кучайтирилди. Шахсан мен ишлаётган жамоа соғломлашди. Бунда ҳеч бир муболаға йўқ. Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг шарофати бу.

Қўшкўпир туманида шахмат билан шуғулланишнинг ривожига ҳисса қўшган Сергей Ким хотирасига бағишлаб турнир ўтказиш таклифи 1-мактаб касаба уюшма фаоллари томонидан илгари сурилган эди. Мана 10 йилдан ортиқ вақт ўтдики, хотира турнири ҳар баҳорда ўтказилади. Ҳар йили ёш шахматчилар сафи кенгаймоқда. Шахмат тафаккурни кенгайтириши, фарзандлар камолотида муҳим ўрин тутиши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Унда ҳаракат билан ақл машқи мужассамдир.

— Ғолиблар ва иштирокчилар ҳар гал касаба уюшмалари совғаларини ғурур билан қабул қилиб оладилар. — дейди мактаб директори Шуҳрат Рўзметов. — Эътибор ва ғамхўрлик, маълум бир мақсад сари йўналтириш фарзандларимизни хурсанд қилмоқда. Ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш, диққатталаблик, босиқлик, мулоҳазакорлик каби фазилатларни аста-секинлик билан бўлса-да эгаллаб бормоқдалар. Соғломлик ва маънан баркамолликка ҳисса қўшаётган касаба уюшмалари фаолиятидан мамнунмиз.

Ғолиблардан маҳорат сирларини ўрганиб олган ва устозлари билан биргаликда яхши кайфиятда беллашувни тарк этган болажонларни яна бир янгилик кутиб турарди. Ўқувчилар ўз устозлари ва бошқа касб эгалари билан ҳамкорликда велопойгага тайёргарлик кўрдилар. Жўшқин руҳда ўтган, кутилганидан ҳам зиёд иштирокчиларни қамраб олган велопойга янада таассуротларга бой бўлди.

— Мен 35 ёшдан ошган эркаклар ўртасида 1-ўрин соҳиби бўлдим, — дейди Тинчлик Эгамов. — Спорт билан шуғулланиш соғлигимни мустаҳкамлади. Бундан жуда хурсандман. Фарзандларим ва менинг руҳиятимни кўриб, бизга эргашаётганлар сони ортиб бораётганидан ҳам мамнунман. Саломатлик бор жойда куч-қудрат ва бахт бўлади.

— Мен югуриш бўйича 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёллар ўртасида 1-ўринни эгалладим, — дейди 25-мактаб ўқитувчиси Рўза Абдушарипова. — Жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланаётганим, серҳаракатлигим учун соғлигимдан шикоят қилмайман. Фарзандларимдан ҳам шуни талаб қиламан.

Дарҳақиқат, кўпгина касалликлар ҳаракат, спорт билан шуғулланиш оқибатида тузалиб кетганини кўп эшитганмиз. Бугунги кунда туман миқёсида бундай ижобий ҳолатни кўриб турибмиз. Аввало, ота-она соғлом бўлса, фарзанд соғлом бўлади. Юқоридаги саъй-ҳаракатлар эса, табиийки, катталар саломатлигини ҳам мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига катта эътибор билан қаралмоқда, бу борада қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Уларнинг ижросини таъминлаш ва жамиятни соғломлаштириш ишларига касаба уюшмалари ҳам баракали ҳисса қўшмоқдалар. Юқорида келтирилган далил ва маълумотлар улар фаолиятидан бир шингилдир.

Бекберган АҲМЕДОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қўшкўпир туман кенгаши раиси,
Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
журналист

Ҳуқуқий саводхонлик

Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими томонидан жорий йилнинг 1 майигача меҳнаткашларнинг 23 та ёзма ҳамда 94 та оғзаки мурожаати кўриб чиқилди. Иш берувчиларга қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 16 та тақдимнома киритилди. 22 нафар ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқи тикланди.

Қонун устуворлигини таъминлаб

Жумладан, Олтиариқ тумани 20-умумтаълим мактабида меҳнат қилиб келган Салимжон Назаров ҳамда Бобомурод Дадажоновнинг ноқонуний равишда ишдан бўшатилганлигини билдириб ёзган аризалари жамоатчилик назорати тартибида ўрганилди. Натижада, ходимларга интизомий жазо қўллаш чоғида иш берувчи улардан тушунтириш хати олмаганлиги, яъни Меҳнат кодексининг 182-моддаси талаби бузилганлиги аниқланди. Шунингдек, ходимларнинг меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшма қўмитаси розилиги олинмаган. Буйруқни расмийлаштиришда ишдан бўшатишга сабаб бўлувчи МКнинг тегишли моддаси ва банди далил қилиб кўрсатилмаган. Қонунга мувофиқ меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида ходимларни 3 кун олдин хабардор қилмаган ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўланмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бирлашма кенгаши мактаб маъмуриятига ходимларни аввалги лавозимларига ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган пайти учун иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида тақдимнома киритди. Натижада, С.Назаров ҳамда Б.Дадабоевнинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Шу ўринда кўпинча иш берувчи меҳнат муносабатларини тартибга солишда Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабига риоя этган ҳолда, корхонанинг локал ҳужжатларини эътибордан четда қолдираётганини таъкидлаш зарур. Касаба уюшма мутахассислари фаолияти давомида бундай ҳолатларга кўплаб дуч келади. Зиддиятли вазиятда ҳуқуқшунос маслаҳати олинмаслиги қонун бузилишларининг асосий сабаби ҳисобланади.

Қува туман тиббиёт бирлашмаси ходими Санобар Латипованинг меҳнат шартномаси бекор қилинганлигидан норози бўлиб ёзган аризасини олайлик. Маълум бўлишича, С.Латипова касал бўлиб, уйда даволанган. Бироқ ходим даволанганлиги тўғрисида шифокор маълумотномасини маъмуриятга тақдим қила олмаган. Натижада, у билан тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисм 4-банди, яъни меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузганлиги сабабли бекор қилинган.

Бироқ тиббиёт бирлашмасининг амалдаги «Ички меҳнат тартиби қоидалари»да меҳнат вазифаларини бир маротаба қўпол равишда бузиш ҳолати рўйхати киритилмаган. Яъни, меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра бекор қилишга ҳуқуқий асос мавжуд бўлмаган. Маъмурият билан ўтказилган музокарадан сўнг бу ҳолат бартараф этилиб, С. Латипова ишга тикланди.

Бирлашмага келиб тушаётган меҳнаткашлар мурожаатлари юридик бўлим томонидан ҳар чоракда тармоқ ва туманлар кесимида таҳлил қилиб борилади. Қонун бузилиш ҳолатлари кўп бўлган тизим юқори ташкилотларига тегишли тавсиялар берилмоқда. Ташкилот раҳбари, касаба уюшма етакчилари, фаоллар иштирокида ўқувлар уюштириляпти. Ўқувларда меҳнат қонунчилигидаги янгиликлар ҳақида тушунтириш бериб борилмоқда.

О. ҚОЗИХОНОВА,
Фарғона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлим мудири

ТУЗАТИШ: «Ishonch» газетасининг 2014 йил 10 июндаги 71(3420)-сонида, 2014 йил 17 июндаги 74(3423)-сонида, 2014 йил 19 июндаги 75(3424)-сонида чоп этилган Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига тегишли кўчмас мулкларнинг аукцион савдолари ҳақидаги хабарноманинг аукцион савдолар ўтказиладиган манзилларига оид қисми қуйидагича ўқилсин: «Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш, 1 «А»-уйда ўтказилади».

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 24-iyun № 77 (3426)

Табиат фарзандимиз

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).

Миллий боғ Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Оҳангарон ва Паркент туманлари ҳудудларида жойлашган бўлиб, ўзига хос табиий бойликларга эга. Олдинда эса балиқчилик, асаларичилик каби нозик ва муҳим соҳаларни ривожлантириш, туризмни махсус қарор асосида йўлга қўйиш сингари долзарб масалалар турибди. Ҳозирги даврда, айниқса, экотуризм соҳаси юқори даражага кўтарилди. Тарихий ва табиий обидалару гўзалликларга бой диёримиз, хусусан, Тошкент вилояти ушбу йўналиш равнақига жуда мос тушади. Э.Саримсоқов етакчилигидаги Миллий боғ фидойилари ушбу соҳани жонлантириш ва ривожлантириш учун астойдил бел боғлаганлар. Жумладан, Бўстонлиқ туманининг тоғли ҳудудлари қаторида энг кўрками бўлмиш Пском водийси бетакрор табиий манзаралари, машҳур қадамжо ва тарихий обидалари билан машҳур.

Мана бир мисол: ушбу йўналишда ўнга яқин ғоят ажойиб афсонавий кўлларни жаҳон аҳли уёқда турсин, ўша ерлик табиат ихлосмандлари ҳам яхши билмайди. Денгиз сатҳидан 1500 метрдан тортиб салкам уч минг метргача баландликдаги тоғлар бағрида жойлашган кўлларнинг айримларида ҳатто кемалар ҳам бемалол сузиб юриши мумкин. Улар нафақат зилол сувлари, тенгсиз табиат гўзалликлари, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот олами билан умр бўйи ёдда сақланиб қолиши табиий. Миллий боғ шоввозлари уларни бирма-бир ўлчаб-ўрганиб чиқиб, тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида қўшма лойиҳалар тузиб, туризмни ривожлантириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Ҳозирга Хўжакент, Чимён, Бурчимулла ҳудудларида сайёҳлар учун чодирли шаҳарчалар барпо этилмоқда. Пском водийсидаги гўзал табиат манзаралари билан бир қаторда Шайх Ховандитаҳур ва Хожа Аҳрор Валий янглиғ улуғ зотлар аждоди бўлмиш Шайх Умар Валий Боғистоний, Каптар Кумуш ота, Булғор ота, Абдулла Ансорий бува каби улуғлар қадамжолари ҳақиқий зиёратгоҳга айланиши учун йўллар таъмирланиши, электр энергияси узатгичлари созланиши лозим. Миллий боғ жонкуярлари шу вазифалар тез орада ҳаётга жорий этилишига ишониб яшамоқда.

Биз, ҳаммамиз табиат фарзандларимиз. Дилимизга эзгу ниятларни жо айлаб интилсак, тинмай ҳаракат қилсак, албатта кўзлаган мақсадимизга эришамиз.

Умрнинг ўткинчи эканлигини назарда тутиб, табиий гўзалликларга баҳоли-қудрат ўз ҳиссамни қўшиш ниятида мен ҳам тугаб бораётган ширкат хўжалиги раҳбарлари билан тузилган шартнома асосида боғ яратишга киришган эдим. Айнан шу кезларда маслаҳат бериш осон, аммо уни рўёбга чиқариш қийин эканлигини бошимдан кечирганман. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ўрмон хўжаликлари ўз ҳудудларининг сувсиз қияликларида боғлар яратишга киришган эди. Масалан, Бўстонлиқ туманида мавжуд бўлган собиқ Чирчиқ ўрмон хўжалигини бошқарган Мирхидой Носиров катта ҳажмдаги қияликларга терассалар ясатиб, асосан мевали дарахт кўчатларини эктирганди. Шу улуғ иш моҳиятини теран англаган ерли халқ гўзаллик, ободончилик, маъмурчилик манбаи бўлмиш навли кўчатларни имкон қадар авайлаб-асради. Оқибатда йиллар ўтиб сара боғлар пайдо бўлди. Эндиликда улар шу боғлардан катта даромад олиб, роҳат-фароғатда яшамоқда.

Эътиборсизлик билан ёндашганларнинг ҳудудларида эса кўчатлар пайҳон бўлиб, терассалар чорва моллари яйловларига айланиб қолганини кўргач, Хондайлиқ қишлоғи ҳудудидаги шундай терассалардан етти гектарида ўз маблағим ҳисобидан кўчатлар харид қилиб иш бошлаганман. Сувсизлик, чорва моллари хуружи, кўролмаслик каби кўп оғир синовларни бошдан кечиришимизга тўғри келган. Шуларга қарамай олға интилавердик, курашавердик. Асосий мақсадимиз — табиий гўзалликларга ҳиссамизни қўшиш, ижодкорлар ҳам боғроғлар яратишга қодир эканлигини амалда исботлаш эди. Энг оғир дамларда инсон ўзини тушунадиган, елкадош бўлиб тура оладиган, беғараз маслаҳатлар беришга қодир шерикни қўмсаб қоларкан. Бизнинг боғимиз бор-йўғи етти гектар қияликда. Қуйи тарафда эса юзлаб гектар майдон бор. Асосан буғдой экиб келинган бу далми ерлар йиллар давомида увол бўлиб ётарди. Мамлакатимиз мустақил бўлиб, тадбиркорликка кенг эътибор берила бошлагач, хаёлимга келган фикрдан қувониб кетдим. «Хондайлиқ қишлоғидан қатнаб Чирчиқ шаҳрида тадбиркорлик билан шуғулланувчи Абдусодир Олимов исмли йигитни «Авлиёбува» ҳудудига жалб этсак қалай бўларкин? Кўз олдимизда унибўсди, не-не қийинчиликларни енгиб, ишбилармон, доно устозлар қўлида иш ўрганиб тадбиркор бўлди, йўл-йўлакай сиртдан ўқиб, халқ хўжалиги соҳасида олий маълумот олди. Анча йиллардан бери тадбиркорлик тармоқларини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратмоқда, Чирчиқ шаҳри ободонлиги ҳамда халқ фаровонлигига ҳисса қўшиб келаётир. Наҳотки, туғилган қишлоғига шундай эзгуликларни раво кўрмаса?»

Пайсалга солмай Абдусодирга учрашдим, астойдил суҳбатлашдик. Иш бошлаш дастлаб қийин кечди. Хароб ҳолда ётган ҳудудни синчиклаб кезиб чиққан, баъзи ўринларда тортишган, ҳатто аччиқлашиб қолган пайтларимиз ҳам бўлди. (Шу даврда мен Хондайлиқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси эдим-да!)

Хуллас, «Дилшодшиҳ Хондайлиқ» деб номланган «Авлиёбува» ҳудудидаги фермер хўжалиги 150 гектар майдонда дастлаб ғаллачилик билан иш бошлади. Бир йўла тоғдан келадиган мавсумий сувдан оқилона фойдаланиб, мевали дарахт кўчатлари экиш ва замонавий услубда тартибли боғлар яратишга киришилди. Тадбиркорликни қарангки, вақтни бой бермай, бир ярим гектарда дарахт ва гул кўчатлари етиштириш ҳам йўлга қўйилди. Натижада, кўчат харид қилишга ҳам ҳожат қолмай, кўз ўнгимизда жаннатмакон боғлар барпо бўла бошлади. Етти йил аввал бошланган беш гектар боғ ҳосилга кирди. 2014 йилга келиб мевали боғлар 22 гектарга етди. Унинг уч гектари узумзор. Яна 25 гектарда қўшимча боғ яратиш режалаштирилган. Олтита доимий иш ўрни ва ҳар йили 20-25 та мавсумий иш ўрнида Хондайлиқ аҳолиси меҳнат қилаётир. Бизнинг мўъжазгина боғимиз ҳам «Дилшодшиҳ Хондайлиқ» ёнида гуркираб ўсаётир.

Абдусодирнинг таклифига кўра, табиат тўкислиги, халқ фаровонлиги учун яна бир муҳим ишга қўл уришни келишиб олдик. Тошкент вилояти ёки Бўстонлиқ туманидагина эмас, бутун Ўзбекистоннинг тоғлардан оқиб тушувчи ариқ ва анҳорларида табиий ҳолатда яшаб келган балиқлар турғунлик йилларидаги назоратсизлик оқибатида табиат кушандалари томонидан қириб юборилган. Шу жумладан, Бўстонлиқ туманининг Хондайлиқ қишлоғидаги Шўробсой ва Туятошисой деб номланган тоғдан тушувчи ариқларда яшаган мазали хонбалиқ ва шоҳбалиқлар ҳам йўқ бўлиб кетган. Ҳолбуки, ҳар йили баҳор ойларида балиқлар тухум қўйиш учун Чирчиқ дарёсидан юқоридаги ариқларнинг бошигача чиқади. Аммо назорат йўқлиги туфайли улар яна қирғинга учрайверади. Тадбиркор йигит фикрига кўра, бу ариқлар ёнбошларида ҳовузлар ташкил этилиб, балиқ боқилса, ҳам даромад ва иш ўрни вужудга келади, ҳам қадимдагидек табиий ҳолда яшовчи балиқлар манбаи пайдо бўлади. Бундай тажрибани диёримиздаги барча ариқ ва анҳорларда қўллаш мумкин. Ҳозирги давр тили билан айтганда, хаёлий эмас, ажойиб ҳаётий лойиҳа амалга ошади. Бундай изланувчан инсонлар фаолияти албатта ҳар қанча таҳсинга лойиқ...

Ҳар ишки, ниятга яраша бўлғай, деб бекорга айтмаганлар. Нияти холис инсонларнинг босган қадамлари эзгулик учун, айниқса она-табиатни авайлаб-асраш, сўлим боғ-роғлар, гўзалликлар яратиш учун қўйилган бўлса, асло орқага кетмагай.

Қалби ҳам, қилаётган иши ҳам гўзал бундай инсонларни она-Ватанимиз, халқимиз доим қўллайди. Айниқса, кўзларимизга нур, қалбларимизга қувонч бахш этувчи она-табиатни имкон қадар бойитсак, ҳимоя қилсак, зиммамиздаги асосий бурчни оқлаган бўламиз. Ҳассос шоирлар-у ижодкорларимиз бунга алоҳида урғу берганлар. Барчамиз учун мудом севимли адиб, улуғ санъаткор Фурқат: «Сайдинг қўя бер, сайёд, сайёра экан мендек» деб зорланса, табиатни жон-дилдан севган шоир Маҳмуд Тоирнинг: «Чумолини билмай босиб, гуноҳимга жавоб бердим», каби ҳис-ҳаяжонли сатрлари ҳам зап ўрнига тушган.

Хуллас, тил билан дилни бир қилиб, она-табиатни асраб-авайласак, аввало элу юрт, қолаверса, виждонимиз олдида юзимиз мудом ёруғ бўлади...

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Фестивал

Жиззахда ўтказилган фестивал «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ташкил этилди.

РАҒБАТГА МУНОСИБ

Тадбир ташкилотчиси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши минглаб ёшлар иштирокида ўтказган фестивал Ғаллаорол, Пахтакор, Мирзачўл туманларида ҳам кўтаринкиликда ўтди.

— Мен «Шунқорлар» мусобақасининг республика босқичида биринчиликни эгаллаб, олий ўқув юртларидан бирига имтиёзли кириш имкониятини қўлга киритдим, — дейди тадбир иштирокчиси Шерзод Ғозибеков. — Мамлакатимизда биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз.

Маданий-маърифий тадбир сўнгида фаол ёшларга эсдалик совғалари топширилди.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Санъат

Марғилон шаҳрининг сўлим ва баҳаво гўшаларидан бўлмиш Хўжа Маоз Жабал зиёратгоҳида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари санъаткорларининг анъанавий анжумани бўлиб ўтди.

АНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

Уни Фарғона давлат университети профессори, Ўзбекистон халқ артисти Султонали Маннопов очиб, мустақиллик шарофати билан, Президентимиз ғамхўрлиги остида ўзбек миллий санъати жаҳон бўйлаб кезаётгани, минглаб истеъдодли ёшлар етишиб чиқаётганини таъкидлади.

Тадбирда таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган қўшиқлар санъатсеварлар томонидан олқишлар билан қарши олинди.

Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 80 ёшли қўқонлик меҳнат фахрийси Жўрахон ота Пўлатов, 85 ёшли марғилонлик меҳнат фахрийси Орифжон ота Усмонов, 90 ёшли марғилонлик меҳнат фахрийси Мамасиддиқ ота Мадалиев, меҳнат фахрийси Алижон ота Собировнинг аския пайровлари даврага файз киритди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Миллий халқ ҳунармандчилиги

Термиз туманидаги «Орол» маҳалласи аҳли темирчилик, гиламдўзлик, дўппидўзлик, чарм-кўнчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги каби ўнлаб ҳунарлар билан шуғулланиб келади. Морал момо Ғаффоровани кўпчилик моҳир гиламдўз сифатида танийди. У тўқиган гиламлар пишиқ-пухталиги, ранг ва нақшларининг бетакрорлиги, ихчам ва бежиримлиги билан харидорлар эътиборини қозонган. Туркман тақир ва қалин гиламларига эҳтиёж сезилса, Морал момони излайдилар. Қиз чиқариш, ўғил уйлантириш орзусидаги оналар сепга Морал момонинг гиламларидан қўшсам, деган ният билан яшайдилар.

Хонадон кўрки

Момо қарилик гаштини сураётган бўлса-да, ҳамон эпчил, чаққон. Ҳафтасига бир гилам тўқимаса, тинчи бузилади. У молини бозорга олиб чиқмайди, харидорлар уйидан қўлма-қўл қилиб, олиб кетишади. Буюртма берувчиларнинг адоғи йўқ. Ҳаммасига улгуриш керак. Шунинг учун момо тинмайди, ёнига неваралари, келинларини ўтиргизиб, ихчам ва чиройли гиламлар тўқийди.

— Гиламдўзликни 101 йил умр кўрган Ободон ая Абдувалиевадан ўргангандим. Биз тўқиётган гиламлар фабрика гиламларидан ўн чандон пишиқ-пухта, — дейди Морал момо урчуқ йигираётиб. — Раҳматли энам жуда чаққон эди, ҳафтасига икки-уч гилам тўқиб ташларди. Даромадидан 6 нафар фарзандини бекаму кўст вояга етказди.

— Гилам тўқиш оғир меҳнат. Биринчи навбатда сифатли хомашё излаш керак, — сўзида давом этади суҳбатдошим. — Йилига икки марта — май-июн ва куз ойларида Шеробод ва Бойсуннинг Кампиртепа, Кўҳитанг сингари ТОҒ қишлоқларига чиқиб кетамиз. Яйловларга бориб, чўпонлардан энг сара жунлардан тўплаймиз. Сўнгра уни тозалаймиз, ювамиз, қуритамиз ва тараймиз. Ана ундан кейин оила аъзоларимиз билан жамланиб, жундан урчуқлар ёрдамида ип йигирамиз. Жун ипларни табиий рангларга бўяб, жило берамиз. Сўнгра тўқиш бошланади...

Айтиш керакки, гилам тўқишга ҳамманинг ҳам сабр-бардоши етмайди. Неча марта ёнига олиб ўргатгани, қизиқтиргани билан қизлари, ўғиллари, келинлари бу ишга дош беролмади, сабрлари чидамади. Ҳамма жараён қўл кучи, ақл-заковат билан бажариладиган майда иш-да. Морал момонинг таърифича, гиламдўзлик ҳунарига иштиёқ одамга йўргакда юқади, секин-аста шаклланади, йиллар ўтиши ва тажриба туфайли моҳир гиламдўзга айланади.

Морал момонинг армони йўқ. Невараси Ойжамол шу ҳунарни эгаллашга қунт қилди. Ҳозир қишлоқда ундан эпчил, моҳир гиламдўз йўқ.

Эндигина ўн тўққизга кирган Ойжамол «Халқобод» педагогика коллежи битирувчиси. Дарс тугадими, уйга чопади, чала қолган гиламини тезроқ тўқиб, тайёрлашга шошади. Мустақил ишлаш ниятида ўтган йили «Микрокредитбанк» Учқизил филиалидан 3,5 миллион сум кредит олиб, зарур асбоб-жиҳоз, хомашё харид қилди. Ҳозир 4 нафар дугонаси ва синглиси Шаҳноза Бўриева, Малика Панжиева, Малика Удамуротова билан гилам тўқимоқда. Ҳунарга қизиққан қизлар жун ипдан буюртма асосида ҳар хил ҳажмдаги поёндозлар, сумкалар, портрет гиламчалар тайёрлашаётир.

— Гиламдўз дизайнерлик санъатига ҳам қизиқиш керак, — дейди ёш тадбиркор Ойжамол Удамуротова. — Чунки харидорни бир жиҳатдан гиламнинг жун ипдан тайёрланаётгани қизиқтирса, иккинчидан, чўғдай товланадиган ранги, гуллари қизиқишини яна ҳам оширади. Биз тўқиётган тақир ва холи гиламлар ранги 45-55 йилгача ўчмайди, чангини тозалаган сари чўғдай товланиб, хонадон кўркига-кўрк қўшаверади.

Ҳа, Морал момо, Ойжамолдек фидойи, тадбиркор ҳунармандлар бор экан, қадимдан буён яшаб келаётган гиламдўзлик санъатининг янги-янги қирралари очилаверади.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича 12 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатининг рапид — тезкор шахмат баҳсларида ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Швейцарча тизимда етти турдан иборат баҳсда ўз маҳоратини намойиш этган шахматчиларимиз иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

Ўн икки ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида қатнашган Нодирбек Ёқуббоев тожикистонлик Суҳробжон Авалбоев, ҳиндистонлик Ананд Саурабҳ ва Сриватшав Раҳул, қирғизистонлик Руслан Сездбеков, мўғулистонлик Отгонбаяр Чингуунни мағлубиятга учратди. Ҳиндистонлик Аравинд Рам ва яна бир шахматчимиз Муҳаммадали Абдураҳмонов билан дуранг ўйнаган Нодирбек шу тариқа 6 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ҳиндистонлик Аравинд Рам иккинчи, мўғулистонлик Ёндонжамц Эрдемдалай учинчи поғонадан жой олди.

Олти ёшгача бўлган ўғил болалар баҳсида ёш шахматчимиз Оҳжол Раҳматуллаев ҳам олти очко жамғарган ҳолда Осиё чемпиони бўлди. У етти партиядан иборат баҳсда ҳиндистонлик Рамдас Анант, Рамакришнан Никҳил, мўғулистонлик Батгерел Энхзориг ва Очир-Эрдене Ариунболд ҳамда жамоадоши Акобир Сайдалиев устидан ғалаба қозонди.

Саккиз ёшгача қизлар баҳсида қатнашган Омина Назарова беш очко билан бронза медал соҳибасига айланди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат

Биласизми?

Борлиқнинг асосий яшаш шаклларини фазо ва вақт ташкил этади. Фазо нарсаларнинг қўлами, ҳажми, ўзаро жойлашиш тартиби, узлукли ёки узлуксизлигини ифодаласа, вақт ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини кўрсатади.

Вақтни нима бошқаради?

Вақт «замон» деб ҳам аталади. Бу тушунча вақтнинг ташқи, нисбий хусусиятларини акс эттиради, холос. Вақт оламнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Инсонлар вақтни ўлчаш билан азалдан шуғулланиб келишган. Улар қуёш, ой ҳаракати ва бошқа ҳодисаларнинг муайян ҳолатларда такрорланиб туришини сезишган ҳамда улардан вақтни ўлчашда фойдаланишган. Мисрликлар бир кеча ва кундузни сув ва қуёш соатлари ёрдамида аниқлаганлар. Идиш тешигидан қанча сув оққанлигига қараб вақтни аниқлаш мумкин бўлган. Бундай соатлар кундалик турмушда жуда қўл келган. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши — сутка, қуёш атрофида айланиши — йилни англатган. Милоддан аввалги II асрларда юнон астрономи К.Птоломей суткани соат, дақиқа ва сонияларга бўлган. Вақтни жуда аниқ ўлчаш учун махсус астрономик кузатишлар ўтказилган. Дастлаб қуёш соати, кейинчалик сув соати, ўрта асрларга келиб қум соати пайдо бўлган. XV асрнинг биринчи ярмида Мирзо Улуғбек Самарқандда баландлиги 50 метрли қуёш соатини ясатган. Афсуски, ушбу қурилма бизгача етиб келмаган.

Юнон қўлёзмаларида илк механик соатлар ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Кўп йиллар давомида ушбу қурилма устида иш олиб борилган ва ниҳоят 1657 йилда голланд олими Христиан Гюгенс маятникли соатни ихтиро қилди ва маятник тебранишининг математик назариясини ишлаб чиқди. Ушбу чўнтак соатлари тухумдек бўлиб, у ҳар чорак соатда занг урарди. Шундай қилиб дастлабки қўл соатлари XIX асрда пайдо бўла бошлади. Уларда календар кўрсаткичи, секундомер, ўз-ўзидан бураш механизми ва бошқа қўшимча қурилмалари бўлган.

Илк қўл соатлари билакузук шаклида бўлиб, уни парижлик Нитон исмли заргар Наполеоннинг аёли Жозефина буюртмаси билан 1809 йили ясаган. Жозефинанинг келинига никоҳ совғаси бўлган бу билакузукларнинг бирида соат, иккинчисида календар ишланган эди. Бу ихтирога ўша даврда унча эътибор қаратилмаган. Сабаби, билакузукка ўрнатилган соат катта ва тақиб юришга ноқулай эди.

1850 йилда билакузукли соатлар Францияда оммалаша бошлади. Швед соатсозлари 1880 йили илк буюртмани олишди ва денгиз ҳарбийлари учун қўл соатлари ясашни йўлга қўйишди. 1907 йилдан бошлаб Европада думалоқ шаклдаги қўл соатлари ишлаб чиқарила бошланди. Лекин улар муваффақият қозонмади. Бу жараён Англияда ҳам давом этди. Улар ишлаб чиқарган соатлар озгина бўлса-да, муваффақиятга эришди. Энг қизиқарлиси, Биринчи жаҳон уруши қўл соатлари оммалашувига катта туртки бўлди. Уруш давомида барча ҳарбийлар соатга эҳтиёж сезиб, кўплаб буюртма бера бошлашди. Соатсозлар қўл соатларини янада ривожлантириш, қулайлаштириш ва ихчамлаштириш йўлларини қидиришмаган. Сабаби, улар қўл соатларининг келажаги йўқ, инсонлар барибир чўнтак соатларига эҳтиёж сезадилар деб ўйлашган. Лекин бу фикр тасдиғини топмади. Одамлар орасида аста-секин қўл соатлари тақиш урфга кирди. Ҳозирда уларнинг жуда такомиллашган хиллари мавжуд. Кристалларнинг сунъий тебраниши билан боғлиқ электрон соатларнинг қуввати мини-батареялардир. Шу боис инсонлар ўз кийиниш услуби, бажарадиган ишига қараб, ўзига мос қўл соатларидан фойдаланади.

Вақт асло тўхтамайди, соат миллари эса ўз ҳаракатида давом этаверади. Инсон умри ўз тақсимотига эга бўлгани каби бажариладиган ишларни ҳам тўғри тақсимлашда соатларнинг ўрни беқиёс. Чунки улар вақтни бошқаради...

Озода ЯХШИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -21. 30
Topshirildi - 21.40

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 618 | 20543 nusxada bosildi | 1 3 4 5